

---

## Данғара тумани халқ қабулхонасида туман ҳокими иштирокида фуқаролар мурожаати тингланди.

Қабул жараёнида фуқаролар томонидан тадбиркорлик учун банк кредити олиш, моддий ва тиббий ёрдам масалалари, уй-жойни таъмирлашда кўмаклашиш ва бошқа мурожаатлари эшитилди.

Барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олинди, ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди.

Муддат талаб этилувчи мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

---

2024-12-18 16:07:44